

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ


9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисни парламент Раиси Э. Халилов бошқарди.

Кенгашда Бош вазир ўринбосари, молия вазир Б. Ҳамидовнинг Ҳукумат тақдим этган Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва давлат бюджетининг 1996 йилги истиқбол курсаткичлари тўғрисидаги маърузаси тинланди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлиси Кенгашининг қарори қабул қилинди.

Шундан кейин Кенгаш аъзолари Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар. Сессия шу йил 21 декабрь куни чақиришга қарор қилинган бўлди.

Мажлисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Б. Эшоннинг янги Жиноят кодекси амалга киритилганлиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг иши тўғрисидаги ахбороти тинланди.

Кенгаш ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.



Очиқ усулдаги геологик бургулаш техникаси акционерлик жамияти жамоаси меҳнатқашлари зиммаларидаги топшириқни шараф билан бажариб халқ истеъмоли буюмларини ҳам қўлаб ишлаб чиқаришмоқда.

СУРАТДА: телмер кесувчи Эмирхамза Гафуров ва цех бошлиғи Азим Раҳимовлар.

РАСМИЙ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Келишувга мувофиқ, Покистон Ислам Республикасининг Бош вазир Беназир Бхутто шу йил 11 ноябрда расмий амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.

(Э.А.)

Фойдали МУПОҚОТ

Тошкент шаҳар божхона хизмати бошқармаси биносининг мажлис залиде божхона хизмати раҳбариятининг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича фаолият курсатаётган йирик корхона ва бирлашмаларнинг вакиллари ва раҳбарлари билан бевосита мулоқот тарзидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда «Компрессор», «Радиоэлектрхизм» заводлари, «Миссисипи», «Матлботчи», «Ўзбек табани Американи» каби йирик қўша корхоналар ҳамда «Тошкентмебель», «Шош-транс», «Оникс» ва «Егочсоз» хиссадорлик жамиятлари каби корхоналардан 60 га яқин вакиллар иштирок этди.

Учрашувни Тошкент шаҳар божхона хизмати бошлиғи Р. А. Туропов очиб, божхона сўбати ва қўнучилиги, Давлат иқтисодий сўбатиини барқарорлаштиришда божхона хизматининг тутган урни ва Ўзбекистон Республикаси Бош божхона бошқармаси томонидан божхона хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Сўнгра божхона хизматининг тўловлар, суриштирув ва божхона назорати бўлими бошлиқлари сузга чиқиб божхона хизмати бўйича қабул қилинган янги қонун ва қарорлар, уларнинг ижроси ҳақида маълумот берилди.

Камолиддин УМАРОВ, Тошкент шаҳар божхона хизмати ноэри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ТўRTINЧИ СЕССИЯСINI ЧАҚИРИШ ТўГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 1995 йил 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 9 ноябрь.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИЛИКЛАР | ВОКЕАЛАР | ХАБАРЛАР

Шу кунларда Мирзо Улуғбек тумани мудофат ишлари бўйича бўлими ҳар қачонгидан гавжум. Бунинг боиси бор, албатта. Ёшларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга қуватиш бўйича янгилик нуктаси шу ерга жойлашган.

Армияга кузги чақириқ

ПУХТА РЕЖА АСОСИДА

— Бу галги кузги чақириққа тайёргарлик ишларини анча барвақт — август ойининг урталарида бошлаб юборгандик, — дейди Мирзо Улуғбек тумани мудофат ишлари бўйича бўлими бошлиғи, подполковник Фарход Сатторов. — Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида махсус йиғилиш ўтказилди ва кузги чақириқни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган вазиफलар белгилаб олинди.

Мудофат бўлими чақириқ ёшидаги ёшлар руйхатини маҳаллаларга тарқатди. Руйхатлар бўйича аниқ маълумотнома тулганда, шу асосда улар гуруҳларга ажратилди. Бунда йигитларнинг саломатлиги, оилавий шароити, ўқиш, ўқимаслиги, қаерда ўқишига қараб гуруҳларга бўлибди. Улар орасида турли қўшнларда хизмат қилишга муносиблари танлаб қўйилди.

Чақирилувчилар орасида ҳарбий хизматга доир республика қўнулари, Ватан ҳимояси соҳасидаги фуқаролик бурчи ва

масъулияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бордик. Кузги чақириқ ҳақида буйруқ чиқсин билан чақирилувчиларни тиббий комиссиядан ўткази бошладик. Қилган меҳнатимиз зое кетмади. 1 ноябргача қўзлаган режамиз бажарилди. Уғлонларимиз чегарачилар, алоқа, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумига қарши мудофат қўшнларида хизмат қилишди.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, мудофат бўлими бир гуруҳ ёшларни мудофатга қўмақлашувчи «Ватанпарвар» жамияти мактабиде радиотелеграфлик, электромеханиклик, ҳайдовчилик касбларига ўргатди. Бу албатта уларга ҳарбий хизмат жараёнида асқотади.

— Кимлар муқобил хизматни ўташга ҳақли эканлиги ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз. — Соғлиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган ҳарбий ҳисобиде турган, мuddатли ҳарбий хизматга қақририлиш лозим бўлган фуқаролар башарти улар: хизматга қақририлётган шахсдан ташқари 16 ёшга тулмаган турт ва ундан ортиқ болали оиладан бўлсалар; ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси, ёки ака-ука (опа-сингли)лари бўлса; руйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг узга тоифаларини ҳам белгилаши мумкин. Муқобил хизмат мuddати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойдан иборат. Саломатлигига қараб ҳам муқобил хизматга қолдирилиши мумкин. Лекин бизнинг вазифамиз биринчи навбатда ҳар бир ёшни соғломлаштириш ва уларни ҳақиқий Ватан посбонлари қилиб қамол топтиришдир.

Сўхбатдош Машхура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

ВАТАНПАРВАРЛИК — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Келажакимиз бўвдқорлари бўлиши ёшларимизни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, унинг ҳар бир қарин тўғрисида эъзозлиқ руҳида тарбиялаш бугунги кунимизнинг энг долзарб вазифаларидандир.

Кеча республика «Матнавийат ва маърифат» жамоатчилик марказида ўтказилган давра сўхбати ҳам ана шу мавзу «Ватанпарварлик — олий қадрият» масалаларига бағишланди. Унда республикамизнинг етакчи олимлари, зиёлилари, файласуфлари, шoir ва ёзувчилар, Республика Қуролли Кучларининг масъул ходимлари иштирок эттиди.

Йиғилганлар фалсафа фанлари доктори Б. Тураевнинг «Ватанпарварлик — муқаддас туйғу», фалсафа фанлари номзоди А. Зоҳидийнинг «Ватанпарварлик тарихий аъёналар», Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси профессори,

фалсафа фанлари доктори Ж. Жабборовнинг «Ўзбекистонда ҳарбий ватанпарварлик: аъёналар ва истиқболчилик», Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясининг кафедра бошлиғи, подполковник Р. Абдуллаевнинг «Ватанпарварлик ва ҳарбий докторина» мавзусидаги тарихий фактларга бой, миллий-маънавий қадриятларининг узиде акс эттирган сермазмун маърузаларини тингладим. Маърузалар орасида улар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбир охирида республика маънавийат ва маърифат жамоатчилик маркази раҳбари ўринбосари Х. Даврон ва ушбу марказнинг бўлими бошлиғи З. Давронлар ҳам ватанпарварлик ва муқтабиллик, ватанпарварлик тарбиясига оид тавсия ва тадбирлар режасини ишлаб чиқишга доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Даврон НУРМАТОВ.

«ЎЗ-ЭППАС» ГУГУРТЛАРИ

Хозирги кунда бу ерда 300 минг дано кутчалди. Гугурт ишлаб чиқарилади. Яқин кунлар ичида урғиллаётган янги дастгоҳлар ҳам ишга туширишга ҳозирлик қилинаптир. Дастгоҳлар ишга тушган унда кутчалди гугурт ишлаб чиқариш 800 минг данога етади. Гугурт учун ишлатилган яна бир хом ашё — терракни республикамизнинг турли худудларидан олиб келишмоқда.

Жамоа аъзолари тайёрлаётган тайёр маҳсулотлар шаҳримиз аҳлига, республика аҳолисига, қолверса Ҳамдустлик давлатларига ҳам етказиб берилмоқда.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

МАЙДОНДА — ЁШ ТЕННИСЧИЛАР

Уқувчиларнинг кузги таътил кунларида унинг мароқли-ўтиши учун хозир жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Юнусобод туманида ҳам хайри ишга кул урилди. Кеча туман ҳокими соврини учун теннис бўйича ўсмирлар ўртасида «1995 йил кубоги» мусобақалари яқунланди.

Саралаш мусобақаларида «Саломатлик», «Уқун» спорт мажмуалари, «Юнусобод» теннис клубидан жами 136 ёш теннисчилар иштирок эттиди, — дейди Юнусобод тумани хизматини тарбия ва спорт қўмитаси раиси В. Гольденштейн. — Улардан 80 та энг кучли спортчи яқунлоқчи боқичи беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кубок мусобақаларида 1981, 83 ва 85-йилда турилган ўсмирлар ва 12 ҳамда 15 ёшли қизлар ўртасида жами бешта гуруҳда «Юнусобод» теннис клуби ва «Саломатлик» спорт мажмуасида қизгин баҳслар бўлиб ўтди.

Кубокнинг энг кучли қатнашчилари туллаган очколар уларнинг рейтингига қўшилди ва келгусида ушбу ёш теннис усталари Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги республикаларида ўтказилган теннис турнирларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Мусобақа голбиларида махсус совринлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Давлат ИБРОҲИМОВ.

Спорт

Спорт

Дамир ИСЛОМОВ.

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ ҚИЗҚЯПТИ

Долчилик намуналаридан иборат ушбу кўргазмада музей фондидаги маъжуд ишлар, гурумсаройлик машхур куллоқ Мақсудали Туробов, хоразмлик куллоқ О. Матжонов, Тошкент кулар намойиш этилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазма Тошкентдаги ҳоразмлик меҳмонларда ҳам қатта қизиқти уйғотмоқда.

Дамир ИСЛОМОВ.

«Оқшом» — СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

ламиз, — дейди биз билан сўхбатда Миср Араб Республикаси ахборот шўбасининг бошлиғи, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг матбуот масалалари бўйича маслаҳатчиси жаноб Мағди Дайф. — Мана бу йил ҳам ўз аънаъларимизга содиқ равишда 1996 йилга обунани дастлабки кунлардаёқ расмийлаштирдик. Бунинг ўз сабаблари бор, албатта. Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, газетангиз ёши жиҳатидан анча улуг, узлуксиз чиқиб турадиган нашрлардан. Узига хос томони эса қаровни ўта кенг, турли тоифадаги, ҳар хил қизиқ доирасидаги газетчиларнинг уларнинг ёши, касби-коридан қатъи назар ўз атрофидаги жипслаштира олади. Биз аниқ-сана унинг ҳар бир сониде чоп этиладиган республикада, минтақада ва бутун дунёда юз берётган воқеаларнинг лунда ва

иҳкам баёнини доимо қизиқиб ўқиб борамиз. «Оқшом»нинг яна бир муҳим жиҳати шундиги, бор бўли билан ва ўз вақтида ёритади. Газета шаҳар маъмуриятига қарашли бўлса-да, унинг саҳифаларини ҳам ўз аънаъларимизга содиқ равишда 1996 йилга обунани дастлабки кунлардаёқ расмийлаштирдик. Бунинг ўз сабаблари бор, албатта. Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, газетангиз ёши жиҳатидан анча улуг, узлуксиз чиқиб турадиган нашрлардан. Узига хос томони эса қаровни ўта кенг, турли тоифадаги, ҳар хил қизиқ доирасидаги газетчиларнинг уларнинг ёши, касби-коридан қатъи назар ўз атрофидаги жипслаштира олади. Биз аниқ-сана унинг ҳар бир сониде чоп этиладиган республикада, минтақада ва бутун дунёда юз берётган воқеаларнинг лунда ва

иҳкам баёнини доимо қизиқиб ўқиб борамиз. «Оқшом»нинг яна бир муҳим жиҳати шундиги, бор бўли билан ва ўз вақтида ёритади. Газета шаҳар маъмуриятига қарашли бўлса-да, унинг саҳифаларини ҳам ўз аънаъларимизга содиқ равишда 1996 йилга обунани дастлабки кунлардаёқ расмийлаштирдик. Бунинг ўз сабаблари бор, албатта. Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, газетангиз ёши жиҳатидан анча улуг, узлуксиз чиқиб турадиган нашрлардан. Узига хос томони эса қаровни ўта кенг, турли тоифадаги, ҳар хил қизиқ доирасидаги газетчиларнинг уларнинг ёши, касби-коридан қатъи назар ўз атрофидаги жипслаштира олади. Биз аниқ-сана унинг ҳар бир сониде чоп этиладиган республикада, минтақада ва бутун дунёда юз берётган воқеаларнинг лунда ва

ОБУНА — 96

Республика «Матнавийат ва маърифат» жамоатчилик марказида муқаддас устаси Ойиб Божоновнинг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазма Шарқ рангтаъсир санъатининг бирик намоёниси Камолиддин Бехзод таваллуҳининг 540 йиллигига бағишланган бўлиб, ундаги асарлар унинг ҳаётининг, жозивадорлиги, ёрқин бўёқларда акс этгани билан томошабонлар эътиборини жалб қилмоқда.

СУРАТДА: кўргазма хоналаридан лавҳалар.

Рустам Шарифов оёган суратлар.

